



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 85 (8825).

25 апрель, 1986 йил

ЖУМА

Баҳоси 3 тийин.

Майолди социалистик мусобақаси

ЮКСАК МАЖБУРИЯТ БА ЖАРИДИ

ПАРКЕНТ. (Телефон орқали олинди). КПСС XXVII съезди қарорларини ҳаётга ижод қилиш бўлиб бораётган район чўпонлари қўзи олиш йиллик план ва социалистик мажбуриятларини ортири билан бажардилар. Шу кунгача 17 минг 513 бош совлиқдан 17 минг 720 бошдан ортиқ насл олинди. Бу мажбуриятдан 207 бош қўзидир.

Эришилган муваффақиятга райондаги «Коммуна», «Энгелс номи», «Чотқол»,

«Бўстон» совхозларининг чорвадорлари муносиб ҳисса қўшдилар. Бу ҳўжалиқларда совлиқларнинг ҳар юз бошидан 105—115 тадан қўзи ўстиришга қўлдориди. Тажрибали чўпонлар Абдузукор Алматов, Йўлдош Боботоев, Мирсўхбат Мирханов, Эндийбой Жақоев, Риза Муждабоев ўртоқлар бошчилиги қилган отарларда эса бу кўрсаткич 110—120 бошга етди.

М. МИРКАМОЛОВ.

65 МИЛЛИОН СЎМЛИК МАҲСУЛОТ

ГАЛЛА маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўлиб бораётган район чўпонлари қўзи олиш йиллик план ва социалистик мажбуриятларини ортири билан бажардилар. Шу кунгача 17 минг 513 бош совлиқдан 17 минг 720 бошдан ортиқ насл олинди. Бу мажбуриятдан 207 бош қўзидир.

Эришилган муваффақиятга райондаги «Коммуна», «Энгелс номи», «Чотқол»,

«Бўстон» совхозларининг чорвадорлари муносиб ҳисса қўшдилар. Бу ҳўжалиқларда совлиқларнинг ҳар юз бошидан 105—115 тадан қўзи ўстиришга қўлдориди. Тажрибали чўпонлар Абдузукор Алматов, Йўлдош Боботоев, Мирсўхбат Мирханов, Эндийбой Жақоев, Риза Муждабоев ўртоқлар бошчилиги қилган отарларда эса бу кўрсаткич 110—120 бошга етди.

Н. РИХСИЕВ.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ


Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металл комбинатлари ишлаб чиқариш қийинчилигини қайтадан эриштириш янги технологияси жорий этилди. Ўша хом ашёнинг ўзидан қаттиқ қотишмалар асбоб ишлаб чиқаришнинг қўлайлиги мумкин бў-

либ қолди. Корхонада ташкил этилган рационализаторлар ижодий бригадасининг хизмати туфайли шунга эришилди. Янгиликнинг иқтисодий самараси йилга 130 минг сўмга боради.

(ЎЗТАГ).

Замондошимиз

ШАХТЁР




♦ ТИЛЛАХЎЖА ҚУРБОНОВНИНГ Ангрендаги 9-шахтада қўмири қазиб чиқариётганга ўн саккиз йил бўлди. Унинг умумий иш стажига эса йигирма саккиз йилдир. Чорак асрдан эътибор 9-шахтада ишлаш учун аввалдан бу қазиб чиқариш марказида ортирган тажрибани ўргата бошлаган. Тез кунда уни бригадир қилиб тайинлашди. Шундан буюн ўн ўнқиз йилини бу пешқаддам коллектив ҳамisha меҳнат беллашувининг олдинги сафида келаяпти. Бригада етакчиси Тиллаҳўжа Қурбонов ҳамон сардорларга хос ғайрат-шиқоват, тadbиркорлик билан иш олиб бормоқда.

А. Зуфаров фотоси.

♦ КАЛИНИН районидagi «Корасу» совхоз дехқонлари бу йил давлатга 8200 тонна сазавот маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятини қўзғаб қилишган. Ҳўжалиқда эртани экинлар экиш ва парвартиш қилишда техникадан самарали фойдаланилмоқда. Бу борада совхознинг ғайрат Халилов бошчилиги қилган бригадаси сазавотзорлари барчага ибрат бўлишмоқда. Улар ҳозиргача 8 гектар ерга экинган нармаини ишловдан чиқариб қўйишди. Айни кунларда помидор экиш ишохисига етмоқда. Миршорлар 1986 йилда помидор ҳосилдорлигини гектар бошига 300 центнерга етказишмоқчи. Суратда: машиналар ёрдамида помидор қўчатларини экиш пайти.

М. ДАМИНОВ фотоси.



ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ—ФАННИНГ БУРЧИДИР

24 апрель кунин Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг умумий йиғилиши бўлди. Республика олимларининг КПСС XXVII съезди қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳофаза қилишди.

Докладчи — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси П. Қ. Ҳабибуллаев, музокара-ларда сўзга чиққан кишилар совет халқи турмушидаги туб ўзгаришларнинг, ҳар томонлама социал-иқтисодий тараққийнинг улғувор программасини белгилаб берган партия съездида иқтисодий тараққийнинг жадаллаштиришнинг бош омил бўлиши фаннинг роли алоҳида таъкидлаб ўтилганлигини уқтирдилар.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда кураётган фан-техника потенциалли берпо этилди. Ҳозир республиканинг илмий-тадқиқот муассасаларида, олий ўқув юртиларида олимларнинг катта оғридан меҳнат

қилмоқда. Кейинги беш йилликнинг ўзида уларнинг уч миллиард сўм самара берадиган мингга яқин тақлифи ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Айни вақтда, қилинган ишларни танқидий баҳолаб, республикада вужудга келтирилган илмий потенциалдан ҳозирча ўнчагина тўлиқ фойдаланилмаётганини тан олиш кераклиги йиғилишда айтиб ўтилди.

Бунинг устига, дейишди но-тиқлар, республика фанининг бир қанча соҳаларида пасайиш, турғунлик тенденциялари кузатишмоқда. Ўзбекистон халқ ҳўжалигининг фан ва техника олдинги марраларига тез чиқиш олишнинг таъминлайдиган йирик фундаментал ишланмалар жуда оз, илм-фан ютуқларидан социал-иқтисодий ривожланиш практикасида жорий қилиниши ахир, илмий асосланган ва кенг миқёсда системаси йўқ.

Жамки илмий ишларни тез-

роқ тубдан қайта қўриш, тадқиқотларни ташкил этиш ва планлаштиришга янгича ёндашувларни ҳосил қилиш, фан билан ишлаб чиқаришнинг бирлаштиришнинг ҳар бир илмий коллективнинг потенциал ва имкониятларидан максимал равишда фойдаланишнинг таъминлайдиган янги форма ва методларни зўр бериб излаш — ҳуллас, Ўзбекистонда илм-фанни амалда бутун чоралар билан интенсификация зарур.

Бутун куч-қўратини сафарбар этиш, собитқадамлик, илмий коллективлар олдига турган вазифаларни аниқ-равшан кўра билиш — ҳозирги янги бошқадда шу коллективлар муваффақиятли ишлашининг мажбурий шартидир, деб таъкидлашди йиғилишда. Республика халқ ҳўжалиги манфаатлари йўлида ҳозир бутун куч-қўратини амалий математика ва программлашнинг автоматлаштириш, робот техникаси комплексларини ҳамда мослашувчан автомат ишлаб чиқа-

ришларни бошқариш моделлари ва алгоритмлари фундаментал назариясини яратиш соҳасидаги илмий тадқиқотларни ривожлантиришга қаратиш зарур. Янги туркумдаги муайян проблемаларга мосланган ЭХМларни ва улар асосида яратилган интеграцион бошқарув системаларини ишлаб чиқишнинг жадаллаштириш керак.

Физика-математика ва химия-технология фанлари соҳасида ишловчи муассасалар янги техникани, илгор технологияни, новб ҳўссаларга эга бўлган ноанъанавий материалларни жорий қилишга асосланган ишлаб чиқаришларни интенсификация илмий жиҳатдан таъминлашлари зарур.

Ишлаб чиқариш гуркираб ривожланиётган ва қайта ку-роллантириладиган шароитда уни энергетика ва ресурслар билан таъминлаш жуда ўткир проблема бўлиб қолмоқда.

Агар олимлар олдига жуда муҳим вазифалар турбди. Пактави индустриал асосда етиштиришнинг янги методлари чўқур илмий тадқиқотлар-

ни талаб қилмоқда, жаҳон стандартларидан ўзиб кета оладиган янги истиқболли навларни яратишнинг фундамен-тал асослари ишлаб чиқишнинг зарур. Келгусида селекциянинг анъанавий усулларини комплекс ҳўссалари олдидан белгилаб қўйилган навларни яратишнинг биотехнология асосига ўтказиш учун гўзанинг ген ва ҳўжайра инженерияси соҳасидаги илмий изла-нишлар анча кенгайтирилиши лозим.

Йиғилишда иқтисодий фан-ларни янада ривожлантириш, иқтисодий ва социал тараққийнинг барча соҳаларида жадаллаштиришнинг идеологик жиҳатдан таъминлаш зарурли-гига катта эътибор берилди.

Йиғилишда СССР Фанлар академиясини энергетика физи-кавий-техникавий проблем-лари бўлимининг академик секретари, академик В. А. Кириллин сўзга чиқди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси-нинг навбатдаги мажлисида «Технология» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси парт-комининг КПСС XXVII съез-ди талаблари асосида фан-техника тараққийнинг жадаллаштириш соҳасидаги иш масаласи қўрилди.

Бирлашмада ишланмалар-нинг сифатини ошириш ва фан-техника тараққийнинг жадаллаштиришга қўмакла-шувчи янги технология ас-боб-ускуналарини ишлаб чи-қаришга жорий этиш учун коммунистларнинг масъули-тини кучайтириш соҳасида муайян иш қилинмоқда. Кол-лективнинг ишнинг қайта соз-ланадиган автомат линия-лар, модулар, мослашув-чан ишлаб чиқариш систе-малари, робот техникаси комплексларини жорий этиш-га қайтадан йўналтириш тад-бирлари амалга оширилмоқ-да. Ўн биринчи беш йиллик мобайнида механизациялаш ва автоматлаштириш воси-таларини янги технология жараёнларини ишлаб чиқа-ришга жорий қилишдан олин-ган иқтисодий наф 56,9 мил-лион сўмни ташкил этди. Пластмассадан деталлар, қаттиқ қотишмалар ва ўта қаттиқ материалларнинг ян-ги марказларидан инструмен-тар ишлаб чиқариш ҳажми-ни кўпайтириш ишлари ўт-казилмоқда.

Шу билан бирга Марка-зий Комитет бюроси партия комитетининг фан-техника тараққийнинг жадаллашти-риш юзасидан партия ўртага қўйган вазифаларни бажари-лишга коммунистларни са-фарбар қилиш иш ҳозирча тубдан яхшиланганини ўқ-тириб ўтди.

Бирлашма раҳбарлари ўз иш-ини замонавий талаблар асосида қайта қўрганлари йўли, эришилган натижа-ларни ўз-ўзини танқид руҳида баҳолашмоқда. Илмий тад-қиқот ва тажриба-конструк-торлик ишлари сустр ривож-лантирилмоқда. Натижада тармоқдаги қўл меҳнатнинг улуши кўп, умуман «Гла-вмашхлопповодство» корхона-ларида янги машина-ускуна-

ларнинг салмоғи 56 процент-дан ошмапти. Партия ташкилотини мажбур илмий ва ишлаб чиқариш по-тенциалидан оқилона фойда-ланилишини таъминлаш учун бирлашма раҳбарларига нис-батан дуруст талабчанлик қилмапти. Юқори малакали мухтаassisларнинг куч-гай-ратлари кўнунча энг оддий технология асбоб-ускуналари ва мосламаларни яратишга жалғитилмоқда. Станокларни ва технология линияларини ишлаб чиқишда жиддий хато ва янглишишларга йўл қў-йилмоқда. Уларнинг бир қис-ми пишиқ-пукта ишла-маяпти, юксак унумли эмас, уларни тайёрлашга асосан равишда кўп металл сарф-матта тўшмоқда, улар Вата-нимиздаги ва чет эллардаги энг яхши намуналардан ор-қада қолмоқда. «Тошкент трактор заводи», «Ўзбексель-маш» ишлаб чиқариш бир-лашмаларида жорий этилган ишланмаларнинг самарадор-лиги нормативда белгилан-гидан икки ҳисса паст. Янги техникани ишлаб чиқаришга жорий этиш муддатлари чў-зилиб кетмоқда.

Инженер-техник ҳодимлар-нинг учдан икки қисми ихти-рочилиги ва рационализатор-ликда қатнашмаяпти. Ўтган беш йилда бажарилган ишларнинг атиги 25 процен-ти ихтиро даражасида бўл-ди. Авторлик гувоҳномаси берилган тақлифларнинг ати-ги ярмиси ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Бу маса-лаларда социалистик мусоба-қанинг роли пасайтириб ю-борилган.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш-га, коллективда ўзаро юксак талабчанлик, амалий тақид ва ўз-ўзини танқид вазияти-ни вужудга келтиришга пар-тия ташкилотининг эътибори бўшашиб кетган, фан-техника тараққийнинг жадаллашти-ришга онд топириқларнинг бажарилишини ташкилоти-ли ва идеология жиҳатидан таъминлаш юзасидан комму-нист-раҳбарларнинг ҳисо-ботлари камдан-кам тинглан-моқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бю-роси «Технология» илмий-иш-лаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг диққат-эътиборини коммунистлар-нинг, коллектив аъзолари-нинг ишлаб чиқаришдаги ак-тивлигини оширишда, улар-нинг фан-техника тараққий-нинг жадаллаштиришда ишти-рок этишида йўл қўйилган катта камчиликларга қаратди ва партом зиммасига маж-бур нуқсонларни тутатиш юзасидан конкрет чора-тад-бирларни амалга ошириш вазифасини юкледи.

Партия комитетига КПСС XXVII съезди талаблари асо-сида фан-техника тараққий-нинг жадаллаштиришга онд комплекс тадбирларни ишла-б чиқиш топирилди. Ўз ишлаб чиқаришнинг таъмин-лаштириш, вужудга келти-рилган фан-техника потен-циалидан янада тўла-тўқис фойдаланиш, автомат лойи-ҳалаш системаларини, компь-ютер техникасини қўлланш асосида 1986—1990 йил-ларда «Главмашхлопповод-ство» корхоналарида қўл ме-ҳнатининг улушини анча ка-майитириш ва ишлаб чиқа-риладиган техниканинг сифат ҳўсусиятларини яхшилаш-ни таъминлайдиган робот тех-никаси комплекслари, авто-мат линиялар, технология асбоб-ускуналари яратилиб, жорий этилиши лозим.

Марказий Комитет бюроси-нинг мажлисида капитал қўрилишдаги материал-тех-ника ва модия ресурслари-нинг қўнунча хилоф равиш-да жалғитилиши фактларига йўл қўймастик тўғрисидаги масала қўриб чиқилди. Тош-кент шаҳрида қўрилган маъмурий ва бошқа бинолар-дан янада оқилона фойдала-ниш мақсадида бир қанча мана шундай объектларни аҳолининг социал-маиший ва маданий эҳтиёжларини қон-дириш учун топиришга қа-рор қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси-нинг мажлисида республика иқтисодий-социал ривожлани-шига партиянинг раҳбарлик қилишининг бошқа баъзи ма-салалари қўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қа-рорлар қабул қилинди.

Т. ШОЮСУПОВА.

«ПРОГРЕСС-26» УЧИРИЛАДИ

ТАСС АХБОРОТИ

«Мир» орбитал илмий станциясининг бундан буюн ишлаб туришини таъминлаш программасига мувофиқ 1986 йил 23 апрель кунин Москва вақти билан соат 23 дан 40 минут ўтганида Со-вет Иттифоқида автомат юк кемаси «Прогресс-26» учи-рилди.

Кемани учиртиришда мақсад сарфланадиган материаллар ва турли юкларни орбитал станцияга етказишдан нбо-ратдир.

«Прогресс-26» кемаси па-раметрлари қуйидагича бўл-ган орбитага чиқарилди: Ер юзидан максимал олиснинг 274 километр; Ер юзидан минимал олиснинг 190 километр; айланиш даври 888 минут; — оғиши 51,6 градус.

Телеметрия, информация маъмулотларига қўра, авто-мат юк кемаси ичиданги сис-темалар нормал ишлаб ту-рибди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ 70-ЛЕНИН САЙЛОВ
ОКРУГИДАН, 84-ЧОРВОҚ ВА 85-БЎКА САЙЛОВ
ОКРУГЛАРИДАН ЎЗБЕКИСТОН ССР
ОЛИЯ СОВЕТИГА ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВИ-
НИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Со-вети Президиуми қарор қи-лади:

«Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисида-ги Ўзбекистон ССР қонуни-нинг 57-моддасига биноан

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Равис
О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг
Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри.
1986 йил 24 апрель.

(ЎЗТАГ).

Бадий ҳаваскорлик коллективлари ҳаётдан



ОҚҚУРҒОН район маданият уйи бадий коллективлари ҳақиқатини Бутуниттифоқ фестивалига муносиб тайёргарлик билан бормоқдалар. Бу ерда бир неча йиллардан бери ўз санъатини муваффақиятли намойиш этиб келадиган ашула ва рақс ансамблининг репертуари кейинги пайтларда янада бойиди. Унинг сафи дала ва фермаларда ишлаётган ёшлар ҳисобига

орди. Суратда: (юқорида) ансамбль иштирокчилари билан бир гуруҳи; пастдаги суратда сиз кўриб турган бу завоқил ўқувчилар Ғалаба шаҳридаги Комаров номи 3-ўрта мактаб мўзика тўгаранининг аъзоларидир. Улар билим даргоҳида уюштирилган кечалар, концертларда актив қатнашиб турадилар.

В. ПОРТНОВ фотолари.



РАНГ ТАСВИРЛАРИ

Рассом Маҳмуд Аҳмедовнинг манзара, натюрморт, мавзули композиция ва портретлари мазмунини, рангларнинг жозибаси, тасвир этилаётган воқеаларнинг содда ҳамда тушунтирилти билан ажралиб туради. Унинг асарларида мейбўқнинг кенг имкониятлари яна бир бор намойи бўлади.

Рассомнинг республика архитекторлар союзи кўргазмалар залида очилган ранг тасвир ва графикага оид 40 дан зиёд иккидй ишлари кўргазмасини кузатиб, «Баҳор», «Гулсафарлар», «Кунтабақар», «Феруза портрети» асарлари олдидан берафари ўтиб кетолмайсиз киши. Айниқса «Шоққўрғонда куз» асари ўйноқ, қуюқ ранглари билан диққатингиз

ни тортади. Полотнодаги тоғ қишлоғининг гўзал манзараси, қишлоқ олдидй воқеалар мазмунини кичик деталлар орқали кенг очиб берилган.

Ишчиларни гўзаллик билан қишлоқ олдидан қилинган удовчани ижодкорнинг асарлари кўпчиликлка манзур бўлмоқда.

Б. ТОЖИЕВ. Низомиёв номидаги Тошкент давлат педагогика институтини бадий графика факультети ўқитувчиси.

«НАФОСАТ» — ҚИШЛОҚ КЛУБИ

ОҲАНГАРОН районининг Қорахитой қишлоқ маданият уйи қишлоқ ташкил этилган «Нафосат» хотин-қизлар клуби шўхрати тобора ортиб бормоқда. Унга қишлоқнинг кўпчилик ишлари чиқариш илгорлари, актив жамоатчи аёллар бирлашган.

Яқинда клубнинг навбатдаги машғулотини ўтказилди. Бригада бошлиғи, КПСС XXVII съезди делегати С. Шоназова, «Оҳангарон» совхозининг маданият-маиший ишлар бўйича директор ўринбосари Х. Каримова, 13-ўрта мактаб ўқитувчиси Ш. Аллабердиева, сўт соғувчи Т. Қодирова, ёш шоира З. Эралиева, врач Х. Абдусаматовалар сўзга чиқиб, хотин-қизларнинг бугунги кунда жамиятимизда тутган ўрни, оилавий муносабатлар, оналик бурчи ҳақида фикр алмашдилар.

Клуб номи билан аталувчи онахонлар ансамбли аъзолари ҳам саҳнага чиқишди. Ансамбль аъзоларидан Х. Турдиева, М. Ғамаберидиева, Т. Қодирова, Г. Раззоқовалар ижро этган халқ лапарлари, куй ва қўшиқлар барчага манзур бўлди.

И. НЕЪМАТИЛЛАЕВ.

ТАЛАБАЛАР КОНЦЕРТИ

Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясидаги «Шарқ музыкаси ва шашмаком» кафедраси педагоглари классик куй ва қўшиқларини кенг тарғиб қилиш борасида самарали иш олиб бораптилар. Ўзбекистон ССР халқ артистлари Коммуна Исмоилова, Берта Давидова, Ориф Алимаҳсумов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Орифхон Ҳатамов, Турғун Алиматовлардан сабоқ олган талабалар орасидан қўбилиятли санъаткорлар етишиб чиқапти.

Консерваториянинг ана шундай студентларидан бир гуруҳи яқинда Тошкент Давлат театр ва рассомлик санъати институтини коллективнинг меҳмони бўлиб, улар учун концерт бердилар. Концерт давомида М. Эрматов, Р. Эргашев, Н. Сатторов, Э. Рустамовлар ижросида классик қўшиқлар янгради.

М. ФАТТОХОВ.

ҒАЛАБА КУНИ ОЛДИДАН ХОТИРА ВАХТАСИ

Маълумки, 3 майдан 9 майдгача Бутуниттифоқ хотира вахтаси ўтказилади. У совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасининг 41 йиллигига бағишланади. Область ДОСААФ комитети бошланғич ташкилотларида бу санага қизгин тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Хотира вахтаси ҳафталиги давомида ўтказиладиган барча тадбирлар кенс аялдорнинг шонли аънаваларига садоқат руҳида ўтиши, ҳар бир кишининг қалбига, онгига таъсир этиши лозим. Бу борада Оққўрғон райониди 3-ўрта мактаб ДОСААФ комитетининг олиб бораётган ҳарбий ватанпарварлик ишлари тахассис сазовордир.

Бу ерда ёшларни шонли жанговар аънавалар руҳида тарбиялаш яхши самара берапти. Мактаб тарбияланувчиларининг маълум қисми ҳарбий билим юртиларига ўқишга кирмоқдалар. Бугунги кунда мактабнинг 60 нафар битирувчиси Совет Армияси офицерларидир.

Ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида ДОСААФ активларининг ташаббускорлиги ва ташкилотчилик қўбилиятини, заведани офицерлар, ветеранлар, ҳарбий-ватанпарварлик клублари, давлат ва жамоат музейлари имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, «Зарница» ва «Орленок» ҳарбий спорт ўйинларини кўпроқ уюштириш, «Улуғ Ватан уруши солнома-лари» экспедициялари ҳамда «Революцион қадам ташлай-миз» ватанпарварлик акцияларини дадипроқ ўтказиш лозим.

Хотира вахтасида қатнашиш юзасидан 44-ўрта хунар-техника билим юрти ДОСААФ ко-

митетида яхши тажриба тўпланган. Ҳафталик давомида актив ДОСААФчилар, ветеранлар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари билан учрашувлар, революцион жанговар ва меҳнат шўхрати жойларига экскурсия ва похадлар уюштирилди. Ана шу билим юртининг талабалари Москва, Минск, Тамбов, Боку, Фарғона шаҳарларида экскурсияда бўладилар.

Бутуниттифоқ ҳафталиги бошлендиган кун илдорлик ва обелисклар ёнида митинг ва манифестациялар бўлади. Меҳнат коллективларининг байроқлари кўтарилади. Вахта кунларида Ғалаба байрамига бағишланган тантанали кечалар ва йилгилишлар ўтказилади.

«Қаҳрамонлар сафига тур» шiori остида ўз касбининг усталари ўртасида конкурслар ўтказилади, ёш ишлаб чиқариш илгорларига мукофотлар топирилади. Музейларда илгорларнинг расмла тушчилари уюштирилади. Шунингдек, совет халқи ва унинг Кўроли Кучлари шонли ерларига похад ва экскурсиялар уюштирилади. ДОСААФнинг бошланғич ва ўқув коллективлари 7—8 май кунлари барча комсомол ва пионер ташкилотларида ўтказиладиган «Бурч» операцияларида қатнашадилар. Бу даврда уруш қатнашчилари, сойқ партизанлар ва яширин ташкилот аъзолари, халқ бўлган жангчиларнинг онилари, фронт орти меҳнаткашларини байрам билан табриклаш маросимларини уюштириш лозим.

С. КУКУШКИН, Тошкент область ДОСААФ комитети раисининг ўринбосари.



БАҲСЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Республикамизнинг турли спорт базаларида Ўзбекистон XX спартакиадаси программаси асосидagi мусобақалар давом этмоқда.

БАСКЕТБОЛ. Андижонда аёллар командалари ўртасида ўтказилган баскетбол турнири якунида, Барча учрашув-

ларда ишончли ғалабага эришган Тошкент шаҳри командаси биринчи ўринни эгаллади. Облaстимиз вакиллари туртинчи бўлдилар.

Шу ерда эркаклар командалари ўртасидаги учрашувларнинг дастлабки тури ўтказилди. Пойтахтимиз вакиллари Фарғона область командасини 74:38 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Тошкент области баскетболчилари эса биринчи кунлик Навоий области вакиллари устидан ишончли ғалабага эришдилар — 73:65.

ФУТБОЛ. Термизда Қорақалпоғистон АССР, Тошкент шаҳри ҳамда республикамизнинг барча область футбол командалари иштирокида мусобақалар бошланди. Кеча дастлабки тур учрашувлари ўтказилди.

ШАШКА. Қўнғилди спорт жамиятлари ва илдорлар командалари иштирокидаги турнир Тошкентда ўтказилмоқда. Ҳозиргача 31 очко тўплаган «Спартак» командаси олдинда бормоқда.

ЖАЛҚАРО ҲАЁМ

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

◆ СОФИЯ. Бу ерда В. И. Ленин тутилган кунининг 116 йиллигига бағишланган тантанали йилгилиш бўлиб ўтди. Йилгилишда БКП Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Тодор Янков, бошқа партия ва давлат раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, пойтахт меҳнатчилари ҳозир бўлдилар. КПСС XXVII съезди Ленин ғояларининг ҳаётининг ишончли тасдиғи бўлди. Бу съезд Совет жамиятининг социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш йўлини белгилаб берди, тинчлик учун, халқро хавфсизлигининг кенг қамровли системасини барпо этиш учун курашнинг амалий программасини олға сурди, деб таъкидлади йилгилишда сўзга чиққан. БКП Марказий Комитетининг секретари Кирил Зарев.

корлик қилиш тўғрисида битим имзоланди. Бу ҳужжат СССР билан Куба ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорлигини янада мустақамлашга қаратилган. Жумладан, жамоатчиликни КПСС XXVII съезди ва Куба Компартияси III съезди қарорлари билан таништириш, тинчлик ва социализм ғояларини пропаганда қилиш, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг 1986 йил 15 январдаги баёнигида таърифлаб берилган ядро қуролли тугатишининг Совет программасини тушунтириш юзасидан муттасил иш олиб бориш режалаштирилмоқда.

◆ ВАШИНГТОН. Қўшма Штатлар Ливияга қилган бандитларча ҳужумини Никарагуага нисбатан ҳам танқид қилишга тайёрдир. Сешан-

ба кун «Херитиж фаундейшн» деб аталган ўта реакцион ва Оқ уйда алоҳида ҳурмат қилинадиган ташкилот томонидан уюштирилган зиёфатда президент Рейган сўзга чиқиб, худди шу ҳақда жуда аниқ гапирди.

Рейган Никарагуанинг сандиночилар ҳукуматига «халқро терроризмни қўллаб-қувватлаётган» деган айбни қўйди. Расмий Вашингтон Ливияни бомбардимон қилишдан олдин бир неча ҳафта давомида ливияликларга қарши ана шундай айб қўйган эди. Ливияга нисбатан бўлгани каби президент ўз фикрларини исботлаш учун бирорта ҳам фактни келтира олмади. Бироқ, Қўшма Штатлар Никарагуанинг «остонамиз олдидаги Ливияга» айланишга йўл қўймайди, деб қатъий гапирди.



Суратда: Американинг Ф — 111 қирувчи-бомбардимончи самолёти АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг Аппер-Хейфорддаги (Буюк Британия) базасидан кўтарилиб, Ливияга томон йўл олмоқда. Рейтер—ТАСС телефотоси.

◆ ТРИПОЛИ. Америка Қўшма Штатлари мустақил араб давлати Ливия Жамаҳириясига қарши ваҳшийларча қуролли ҳужум қилди. Бунинг оқибатида тинч аҳоли ўртасида ўлганлар ва жароҳатланганлар бўлди.

◆ ГАВАНА. Бу ерда чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар совет жамиятлари союзи, Совет—Куба дўстлиги жамияти билан Куба халқлар дўстлиги институтини ва Куба—Совет дўстлиги уюшмаси ўртасида 1986—1990 йилларда ҳам-

НИКОСИЯ. 23 апрель. (ТАСС). Эроннинг ИРНА ахборот агентлиги фронтнинг жанубий участкасида Ироқ қўшинлари билан шиддатли туқнашувлар давом этаётганлиги ҳақида хабар қилди. Агентлигининг таъкидлашича, Бағд аҳоли пунктида душманининг салкам 150 солдати ўлдирилган ва ярадор қилинган.

Эроннинг ҳарбий деңгиз кучлари Ормуз қўлтиғида турли мамлакатлар байроғи остида сузиб келаётган 17 танкер ва савдо кемасини ушлаб қолди. ИРНА агент-

лигининг хабар қилишича, Эрон маъмурлари бу кемаларда Ироқ учун мўлжалланган юклар йўқлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина ўз йўлларига давом этиш учун руҳсат берилган.

Эрон артиллерияси, дейилади агентлигининг хабариди, фронтнинг марказий участкасидаги Ироқнинг Нефтоҳна шаҳри санат объектларини қаттиқ ўққа тутди. Уруш ҳаракатлари давом этаётган бошқа районларида артиллерия отишмалари бўлиб турди.

Редактор Н. НАСИМОВ.


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ОНЕГА» — ХОНАДОН КЎРКИ

«ОНЕГА» МЕБЕЛЛАР ТУРКУМИНИ «МЕБЕЛЬ» ФИРМА МАГАЗИНИДАН

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

ТАЙЕРЛОВЧИ — ОЛМАЛИҚ МЕБЕЛЬ КОМБИНАТИ Магазин адреси: Юнусобод, 8-қўртал, 39-ўй. Магазин 10 дан 19.00 гача ишлайди. Танаффус 14.00 дан 15.00 гача. дўшанба дам олиш кунин



«УЗБЕКПРОЕКТМЕБЕЛЬ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (телефон 24-87-45).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МАТЛУБОТ ЖАМИЯТИ МАТЛУБОТ ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқувчилар ўқини давомида ошпазлик, тайёрловчилик, сотувчилик, контролёр-кассирлик, коидтерлик ихтисосларидан бирини эгаллайдилар.

Ошпазлар, контролёр-кассирлар, сотувчилар тайёрладиган бўлишда ўқини муддати — бир йил, тайёрловчилар бўлишда бир йилга 5 ой, коидтерлар бўлишда эса 2 йил; тайёрловчилар тайёрлаш бўлишида ўқувчиларга бир йўла ҳайдовчилик касби ҳам ўргатилади.

Билим юртига ўқишга кирувчилар область матлубот жамияти ва қишлоқ матлубот бўлини йўлланмаси бўйича қабул қилинадилар ва ўзаро суҳбатдан ўтидилар.

Билим юртига 17 дан 27 ёшгача бўлган 8—10 синф ҳажмида маълумотли ёшлар таклиф этилади.

АРИЗА ВА ХУЖАТЛАР 25 АПРЕЛДАН 27 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: директор номига тиллаган ихтисоси кўрсатиб ёзилган ариза, аттестат (асли) ва аттестат нусхаси, медицина справкиси (286-форма), 6 та фотосурат (3х4 см.), меҳнат дафтарчаси (меҳнат стажига эга бўлганлар учун)нинг нусхаси, область матлубот союзи, район матлубот жамиятининг ўқишга берган йўлланмаси, турар жойдан справка.

Тутилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, Совет Армияси сафларидан запасага бўшатирилганлиги ҳақидаги гувоҳнома — ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Билим юртига қабул қилинганлар ойига 32 сўм, тайёрловчилар тайёрлаш бўлимига қабул қилинганлар эса ойига 70 сўмдан стипендия билан таъминланадилар.

Фақат қизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида вокал, бадий, миллий қолғу асбоблари, бичиш ва тиқиш тўғараклари ишлайди.

Ўқувчилар ўқини битирганларидан кейин уларга III разрядли ошпаз, IV разрядли коидтер, озиқ-овқат моллари сотувчиси, озиқ-овқат моллари контролёр-кассири ихтисосликлари берилади.



Билим юртининг адреси: 700056, Тошкент, шаҳри, Путилов кўчаси, 210-а уй (16-автотбус вокзалдан, 89-автотбус Олой бозоридан қатнайди).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

«УЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОИДА 26, 27 апрель соат 19.00 да СССР ХАЛҚ АРТИСТИ,

ТОЖИК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЙСИННИНГ СОЛИСТИ

Жўрабек МУРОВОД

КОНЦЕРТИ

Билетлар сарой кассаларида соат 14 дан 19.00 гача сотилмоқда.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/IV да Зебунисо.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/IV да Беш кунлик кўёв.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Тошкентда биринчи марта «Москва муз устида цирк» коллектив томошалари (19.30).